# ШАРТНОМА № 46/22

***Андижон шахри*** ***“ 2 ” июнь 2022 йил***

Ўз низомга асосан иш юритувчи « **« Андижон АЙБИЛ» ХК** номидан харакат килувчи рахбар П.Умаров бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилади, **«Андижон давлат университет»** номидан Низом асосида харакат килувчи рахбар А.С.Юлдашев бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1.ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

1.1.“Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг топшириғига кўра қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади.

| т/р | Махсулот ва иш хизматлар номи | Улчов бирлиги | Микдор | Бахоси | Умумий Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Andijon davlat universitetining Andijon sh. Universitet ko’chasi 129 uyda joylashgan 1000 o’rinli 2-sonli yotoqxona binosini rekonstruktsiya qilish uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash va davlat ekspertizasidan o'tkazish xizmati. | дона | 1 | 168840000 | 168840000 |
| | **Жами:** | | | | **168840000** |

Шартнома умумий суммаси 168840000 ( Бир юз олтмиш саккиз миллион саккиз юз қирқ минг ) сўм (ҚҚС 15% билан\з)ни ташкил этади.

1.2 “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасида ўзаро шартнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни давомида тўлов «Буютмачига » кўрсатиладиган хизмат учун олдиндан 30% «Бажарувчининг» хисоб рақамига ўтказиб беради,

2.3 Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТАЛАРИ.

2.1 «Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

2.1.1 Хизматни (ишларини) ва бажариладиган хизматга сарф килинадиган махсулотларни лозим бўлган сифатда тайёрлаш.

2.1.2 «Бажарувчи» хизматни ва ишларини шахсан ўзи бажариши

2.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1 Хизматни (ишлар) қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб мазкур Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган бахо бўйича ҳақ тўлаш.

## 3. БУЮРТМАЧИ ХУҚУҚЛАРИ.

3.1 Ҳар қандай вақтда Бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириб бориш

3.2 Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда Шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг Буюртмачи Шатрномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги ҳабарнома олгунга қадар тайёрланган махсулотлар қисмига мутаносиб қисмини Ижро этувчига тўлаш.

## 4. ИШ (ХИЗМАТ)ЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Кўрсатилган хизматлари бахоси Ташкилот ёки унинг юқори ташкилот томонидан ўтказилган танлов (тендер) савдосига тақдим этилган таклифларда кўрсатилаган.бахолардан ошиб кетмаслиги шарт.

4.2. Тайёрланган (ишлар) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" «Бажарувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3 Тарафларнинг Мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меьёрларига мувофиқ қўлланилади.

## 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

5.1 Мазкур шатрномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган хўжалик судида кўриб чиқишга топширилади.

## 6. Форс – мажор ҳолатлари.

6.1 Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар "ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари", агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2 Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 7.Бошқа шартлар.

7.1 Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2 Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3 Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган хамда хар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва мухрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.

7.4 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да иккинчи нусхаси "Буюртмачи" да сақланади.

## 8.Шартнома муддати.

8.1 Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб бир хил хукукий кучга эга булди.

8.2 Шартнома тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириб "31" декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**"БАЖАРУВЧИ"**
**« Андижон АЙБИЛ» ХК »**
Юридик манзил Андижон ш. А. Фитрат кучаси 4
х/р 202 080 008 047 200 660 02
МФО: : 00069
ИНН: 300883437
Банк Андижон ш. «Асака»АТ банки Андижон вилоят филиали.
Тел: (8 595) 200- 97 -39

Рахбар: ____________ П.Умаров

ANDIJON AYBIL
O'ZBEKISTON RESP. ANDIJON ... XUSUSIY KORXONASI

**"БУЮРТМАЧИ"**
**Андижон давлат университети**
Юридик манзили: Андижон ш Университет кўча 129 уй
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги
х/р 23402000300100001010
МФО: 00014
ИНН: 201122919
банк МБ ББ ХККМ Тошкент ш
ОКОНХ 92110
Шхв: 400910860034014094100079001
Рахбар: ____________ А.С.Юлдашев

Қонга юрист қонунга